

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ОЧИЛОВ МАХСУДЖОН МУРАДУЛЛАЕВИЧ

**ПАХТА ЧИГИТИДАН МОМИҚ АЖРАТИШ ЖАРАЁНИ ЯНГИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Очилов Махсуджон Мурадуллаевич

Пахта чигитидан момиқ ажратиш жараёни янги технологиясини
назарий ва амалий тадқиқ қилиш 3

Очилов Махсуджон Мурадуллаевич

Теоретическое и практическое исследование новой технологии
процесса отделения лinters из хлопковых семян..... 23

Ochilov Maksudjon Muradullayevich

Theoretical and practical research of new technology in the process of
linting from cotton seed..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ОЧИЛОВ МАХСУДЖОН МУРАДУЛЛАЕВИЧ

**ПАХТА ЧИГИТИДАН МОМИҚ АЖРАТИШ ЖАРАЁНИ ЯНГИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/T573 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш www.titli.uz веб-саҳифасида (ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хакимов Шеркул Шерғозиевич
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий
оппонентлар:**

Маматов Алишер Зулунович
техника фанлари доктори, профессор

Сулаймонов Рустам Шенникович
техника фанлари доктори, катта илмий
ходим

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 5.03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titli_info@edu.uz Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти маъмурий биноси, 2-кават, 222-хона).

Диссертацияси иши билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (67-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил 21 февраль куни таркатилди.
(2020 йил 20 февраль даги 66 рақамли реестр баённомаси).



Б.Онорбоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д.

А.Гуламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д.

Ф.Ниғматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тўқимачилик, кимё ва целлюлоза-қоғоз саноатида ҳар хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда пахта момиғи муҳим хомашё ҳисобланади. Пахта маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бўйича халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра “2017/2018 йилларда пахта момиғини энг юқори ўриндаги экспортёри сифатида Ўзбекистон ҳамда импортёрлари сифатида Бангладеш ва Хитой мамлакатлари ҳисобланган”. Пахта тозалаш саноатини изчил ва барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналарида энергиятежамкор замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, пахта хомашёсидан олинadиган тола, момиқ ва калта момиқ маҳсулотлари миқдорини ошириш кабилар жаҳон пахта бозорида табиий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу борада, жумладан, жаҳон пахта тозалаш саноатида юқори самарадорликка эга бўлган пахтани дастлабки ишлаш машиналарини такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда пахтани дастлабки ишлаш техника, технологияси ва уларнинг илмий асосларини такомиллаштириш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишларни олиб борилмоқда. Хусусан, машинада терилган пахтани дастлабки ишлашни илмий асосланган технологиясини ишлаб чиқиш, чигитдан пахта толаси ажратилгандан кейин чигитни қайта ишлаш ва чигитдан момиқ ажратиш ускунасининг ишчи қисмлар параметрларини аниқлаш ва уларни муқобиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамызда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш, пахта етиштирувчи ва уни қайта ишловчи ҳамда тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида бозор муносабатларини шакллантириш, улар рентабеллигини, шу билан бирга, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш” вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан пахтани дастлабки ишлашда толаси ажратилган чигитдан момиқ ажратишнинг такомиллашган самарали технологиясини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони, “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш” тўғрисидаги 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил

25 январдаги 53-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия-ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахтани дастлабки ишлашда чигитдан момик ажратиш технологиясини назарий ва амалий ўрганиш бўйича бир қатор чет эл олимлари, жумладан J.Gino, Jr.Mangaiardi, W.Stanley, D.Michael, S.E.Anthony, J.Price, A.C.Griffin ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Пахта чигитидан момик ажратиш бўйича назарий фундаментал масалаларни ривожланишида бир қатор Республика олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, Б.А.Левкович, Д.А. Шепелевич, С.П.Иванов Г.И.Мирошниченко, У.А.Арифов, В.В.Дьячков, Р.В.Корабельников, А.Е.Лугачев, Э.К.Нуралиев, Ю.А.Махмудов, К.Искандаров, Р.Ш.Сулаймонов, Б.Я.Кушакеев, А.Бекмухаммедов ва бошқалар турли йилларда пахтани дастлабки ишлаш жараёни, момик ажратиш технологияси ва машиналарини яратишда катта ҳисса қўшган.

Ҳозирги пайтда пахта момигига дунё ишлаб чиқаришида катта эҳтиёж бўлганлиги сабабли, пахтани дастлабки ишлаш жараёнида момик олинишига сарфланаётган энергия харажатларини тежаш ҳисобига пахта момигининг таннархини камайтиришга ва унинг сифатини оширишга катта эътибор берилиши кераклигини кўрсатмоқда. Лекин, бугунги кунда момик олиш технологик жараёнини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларда янги йўналишлар асосида линтер машинаси технологиясини ўзгартиришнинг самарали ечими топилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2017-2-6 “Ресурстежамкор чигит тозалаш, момик ажратиш, тозалаш жиҳозлари мажмуасини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш” (2017-2018) лойиҳа мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахтани дастлабки ишлашда чигитдан момик ажратишнинг ресурстежамкор, такомиллашган самарали технологиясини яратишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

момик ажратиш техника ва технологияларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш;

момикни арра тишидан ажратиш жараёнининг назарий таҳлил қилиш;

момикни арра тишидан ажратувчи мосламани яратиш ва унинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

такомиллашган момик ажратгич технологик жараёнини назарий тадқиқ қилиш ва унинг рационал технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

момикни арра тишидан ажратувчи мосламани ва такомиллашган момик ажратгич технологик жараёнини синаб кўриш.

Тадқиқот объекти сифатида пахтани дастлабки ишлаш жараёнида чигитдан момик ажратиш ускунаси олинган.

Тадқиқот предмети сифатида пахта чигитдан момик ажратиш технологияси ва техникаси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, олий математика, статистика, тадқиқот усул ва воситалари усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта чигитдан момикни ажратиш учун ресурстежамкор такомиллашган линтер ускунаси яратилган;

момикни арра юзасидан ажратувчи мосламанинг такомиллашган ресурстежамкор технологияси яратилган;

момикнинг арра юзасидан ажралиши ва унинг йўналтирувчи қувур бўйлаб ҳаракатининг назарий боғланишлари ишлаб чиқилган;

электро-энергия ва ҳаво сарфини 2 мартагача камайтирадиган, момикни арра тишларидан сўриб олишга мўлжалланган такомиллашган момикни арра тишидан ажратиш мосламаси яратилган;

такомиллашган технологияда жинланган чигитдан момик ажратгичнинг ишчи қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

арра тиши юзасидан момик ажратишнинг такомиллашган мосламаси ишлаб чиқилган;

такомиллашган технологияли чигитдан момик ажратгични янги намунаси яратилган;

тавсия этилган момик ажратиш мосламасининг ишчи параметрлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлиги арра тишидан момикни ажратувчи мосламанинг мавжуд ва таклиф этилаётган тозалаш технологиясида момикнинг арра тишларидан ажратилишининг амалдаги натижалар билан таққосланганлиги ҳамда такомиллашган технологияли момик ажратгичда мавжудига нисбатан яратилган жараённинг ресурстежамкорлиги аниқлангани билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти арра тишидан момикни сўриш усули билан ажратишни назарий жиҳатдан ўрганилганлиги ва чигитдан момикни ажралиши мобайнида тўрли юзадан тушиши чигит валиги диаметрига боғлиқ эканлиги, арралар орасидаги масофанинг ўзгариши билан момик ажралиш миқдори ўзгариш қонуниятлари ҳамда такомиллашган момик ажратиш ускунасида ишчи қисмлар орасидаги боғланишлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти изланиш натижасида пахта тозалаш корхоналарида момик ажратиш учун сарфланаётган энергия сарфини камайтириш имкониятини бериши ва момик ажратгичнинг юқори самарали такомиллашган технологияси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта тозалаш корхонасида толаси ажратилган чигитдан момик ажратиш технологиясини ўрганишдаги натижалар асосида:

толаси ажратилган чигитлардан момик ажратиш қурилмасига интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (“Жинлаган чигитлардан момик ажратиш линтери”, №FAP 0138-2018 й.), натижада пахта чигитидан момикни самарали ажратиш имконини берган;

момик ажратиш қурилмасидаги такомиллашган арра тишидан момикни ажратувчи мослама “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги корхоналарида, хусусан “Гулистон пахта тозалаш” АЖ корхонасида жорий қилинган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2019 йил 31-октябрдаги 03-18/6271-сон маълумотномаси), натижада, пахта чигитидан момик ажратишда 2 марта ҳаво сарфини камайтириш ҳисобига электро-энергия тежаш имкони яратилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 1 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 91 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чигитдан момик ажратувчи техника ва технологиялар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида Республикамизда ва хорижда ишлаб чиқарилган момик ажратиш машиналари технологияси ва


уларнинг ишчи қисмларидаги камчиликлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Аниқландики, ҳозирда ишлатилаётган 5ЛП линтерларида чигит ўтказиш ва момиқ ажратиш бўйича иш унумдорлиги паст. Момиқ ажратиш самарадорлигини ошириш учун линтер ишчи камерасидан тукдорлик бўйича меъёрий кўрсаткичдаги чигитларни чиқиб кетишини ва момиқ олиш фоизини таъминловчи технологияни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг “**Момиқ ажратиш технологик жараёнини тадқиқ қилиш**” деб номланган иккинчи бобда момиқ ажратиш технологиясини ўрганиш бўйича амалий изланиш натижалари келтирилган.

Пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнлар бўйича олинadиган маҳсулотлар ва бу маҳсулотларни олишдаги ускуналарга ўрнатилган қувват нисбати асосида қурилган диаграмма 1-расмда келтирилган.

Ушбу диаграмма таҳлил қилинганда, линтерлашда бошқа жараёнларга нисбатан момиқ олинishi учун ўрнатилган қувват миқдори олинadиган маҳсулотга нисбатан, агар жинлаш жараёни билан қиёсласак, 9,4 баравар, бошқа маҳсулотларникига қараганда бир-неча баравар юқорилигини кўришимиз мумкин.



1-расм. Пахтани дастлабки ишлаш жараёнидаги ускуналарга ўрнатилган қувват ва нисбий энергия сиғими


Пахта чигитидан момиқ ажратишдаги муаммоларни аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш шароитида амалий изланишлар олиб борилди. Сайхунобод пахта тозалаш корхонасида ўрнатилган 10 та линтерларга келиб тушаётган чигитлардан, линтер ишчи камерасидан ва момиқ ажратиш жараёнидан сўнг намуналар олинди. Барча линтерларнинг чигит ўтказиш бўйича иш унумдорлиги ва линтер ишчи камерасидаги чигит миқдори ўлчанди.

Тажриба натижалари асосида 5ЛП линтерининг иш унумдорлиги бўйича илмий адабиётларда кўрсатилган кўрсаткичлари билан амалдаги кўрсаткичлари ўртасида катта фарқ мавжуд эканлиги аниқланди. Чигит ўтказиш бўйича иш унумдорлиги илмий манбаларда саноат навлари ўзгаришида 1500-2000 кг/соатига, момик олиш бўйича иш унумдорлиги 35-50 кг/соат бўлиши таъкидланган бўлса, амалда чигит бўйича иш унумдорлиги 433.4 кг/соатига, момик олиш бўйича иш унумдорлиги ўртача 18,1 кг/соатига ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда пахта тозалаш корхоналарида бир босқичли момик ажратиш технологияси тадбиқ қилинган. Шу сабабли, бу ҳолат учун 5ЛП линтерлари кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурдир.

Аррали жиндан кейин чигит тукдорлигини ўрганиш учун ишлаб чиқариш шароитида амалий изланишлар олиб борилди. Амалий изланишда жинлашдан кейинги чигитлар туклилиқ даражасига кўра 4 гуруҳга бўлинди (1-жадвал).

1-жадвал





Пахта чигитининг жинлашдан сўнг тукдорлик бўйича тақсимланиши


1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ
Чигит тукдорлиги			
9 %	10%	12 %	14 %
			
Тукдорлик бўйича чигит миқдорини тақсимланиш			
27,6 %	29,4 %	27,2 %	15,8 %

Аррали жиндан кейин чигит тукдорлиги тақсимланиши ўрганилгандан сўнг, линтерлардан чиқаётган чигитларнинг тукдорлик бўйича тақсимланиши ҳам ўрганилди(2-жадвал).

2-жадвал

Пахта чигитининг линтерлашдан сўнг тукдорлик бўйича умумий тақсимланиши


1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ
Чигит тукдорлиги			
6 %	7%	8 %	9 %
			
Тукдорлик бўйича чигит миқдорини тақсимланиш			
24,7 %	27,2 %	27,1 %	21,0 %



2-расм. Линтерлардан кейин чигит тукдорлигининг тақсимланиши

Линтер ускунасида арра тишидаги момикни ажратиш учун такомиллашган ҳаволи мослама яратилди (3-расм). Бу мосламада момикни арра тишидан ажратишда ҳаво арра юзига итариш йўли билан эмас, балки сўриш йўли билан амалга оширилади.


Мавжуд ҳаволи ажратиш мосламасига эга линтер ускунасида иборат мажмуа технологияси ёрдамчи ускуналарида ўрнатилган электродвигателлар қуввати 49,5 кВт. ни ташкил этса, таклиф этилаётган ҳаволи ажратиш мосламасига асосланган линтер ускунасида иборат мажмуа технологияси ёрдамчи ускуналарида ўрнатилган электродвигателлар қуввати 25 кВт. ни ташкил этади. Ҳаво сарфи таклиф этилётган технологияда 2 мартага кам бўлади.



3-расм. Такومиллашган арра юзасидан ҳаволи момик ажратиш мосламаси

Яратилган ҳаволи момик ажратиш мосламасида арра юзасидаги момикни ҳаво оқими таъсир этишини зонасида момикни чиқариш каналида ҳаракатланиш жараёнини изоҳлаш учун мослама соҳасини иккита қисмга бўлиб назарий ўрганилди.

Биринчи қисмда $ABEK$ оқим қисман сиқилади (зичланади), иккинчи $KEDC$ қисмда тирқиш орасидан ҳавони сўриб олиш оқимининг таъсири ҳисобига $KEDC$ зонасидан толали масса жадаллик билан ажратиб олинади. Шу билан боғлиқ бўлган ҳолда, ҳар бир зонада толали массанинг ҳаракатланишини алоҳида кўриб чиқамиз. Бунда иккита соҳа чегарасида KE чизик бўйлаб узлуксиз босим шarti бажарилади деб ҳисобланди. $ABEK$ сиқиш зонасида толали масса оқимининг кўрсаткичларини ρ_1, p_1, v_1 орқали белгиланди.



ρ_1 - зичлик, p_1 – босим, v_1 - ҳаво оқими тезлиги. b_1 - зона кенглиги

4-расм. Аррали цилиндр ва йўналтиргич орасидаги ҳаво оқимининг ҳаракатланиши

Бу ерда

$$v_1 = v_0 + \frac{l^2}{R_0}$$

Сиқиш зонасида ҳаво оқимининг стационар ҳаракатланиш тенгламаси:

$$\rho v \frac{dp}{dx} = -\frac{d(pb)}{dx} + \rho g b c + \rho(\sin \alpha \pm f \cos \alpha) \quad (1)$$

бу ерда ρ, v, p – $ABDC$ ишчи зонанинг ихтиёрий кесимида зичлик, тезлик, босим, $0 < x < l$, $\tan \alpha = f$ – ишқаланиш коэффициентини, l – ишчи зонанинг умумий баландлиги, $b = b(x)$ - ушбу зонанинг кенглиги.

У ҳолда

$$b = b_0 + \frac{x^2}{R}; \quad R = \frac{R_1 R_2}{R_1 + R_2} - \text{келтирилган радиус}$$

$0 < x < c$ интервалда ((-) белгиси қабул қилинганда $c < x < l$ интервалда) интеграллаган ҳолда, $p_2(x)$ ва $p_1(x)$ босим учун қуйидаги ифодадаги эга бўламиз:

$$p_1(x) = F_{21}(x) \left[\frac{p_{20} \cos \alpha_0}{F_{21}(0)} + \int_0^x \frac{F_1(x)}{F_{21}(x)} dx \right], \quad 0 < x < c \quad (2)$$

$$p_2(x) = F_{22}(x) \left[\frac{p_{10}}{F_{22}(l)} - \int_x^{x_1} \frac{F_1(x)}{F_{22}(x)} dx \right], \quad c < x < l \quad (3)$$

бунда:

$$F_{21}(x) = e^{-\int F_{01}(x) dx}, \quad F_{22}(x) = e^{-\int F_{02}(x) dx},$$

$$F_{01} = \left[b' + \lambda \frac{b' b_{00}^2}{b^2} + p_0 g b A + \frac{x}{R} - f \right] \frac{b}{b^2 - \lambda b_{00}^2}$$

$$F_{02} = \left[b' + \lambda \frac{b' b_{00}^2}{b^2} + p_0 g b A + \frac{x}{R} - f \right] \frac{b}{b^2 - \lambda b_{00}^2}$$

$x = c$ нукта абциссаси қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$p_1(c) - p_2(c) = 0$$

P_{10} сиқиш зонасига киришдаги босимнинг турли қийматлари ва Q_0 (т/ч) унумдорлик ва учун Ox ўқ бўйлаб толали масса оқимининг тезлиги ва p босимининг тақсимланиш эгри чизиғи 5-расмда тақдим этилган.



Ҳисоблашда қуйидаги қийматлар қабул қилинган: $p_0 = 5 \text{ Па}$, $v_{10} = 0.61 \text{ м/с}$, $v_{20} = 1.57 \text{ м/с}$, $R_1 = 0.2 \text{ м}$, $R_2 = 0.1 \text{ м}$, $x_0 = 0.05 \text{ м}$, $d = 0.154 \text{ м}$, $c = 0.09 \text{ м}$,

Кўриниб турганидек, бунда сиқиш зонасида энг кичик қатлам кенглиги кесимида толали массада энг катта босим номоён бўлади. Бунда танлаб олинган кўрсаткичлар учун $x = c$ ўтиш нуктасидаги координата $x = h$ кесимдан юқорида жойлашган.



Сирдарё вилояти Гулистон пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқариш шароитида мавжуд ва таклиф этилган арра юзасидан момикни ажратадиган мослама ўрнатилган линтер батареялари аэродинамик кўрсаткичлари аниқланди (3-жадвал).

Ўтказилган синовлар шуни кўрсатдики, сўриш жараёнига асосланган арра тишидан момикни ажратгичда ҳавонинг сарфи 2 мартага камаяди. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, сўриш жараёнига асосланган момикни арра тишидан ажратишни қўллаш электр энергияси ва ҳаво сарфини камайтиради.


$$Q_0 = 0,03 \text{ т/соат}, \quad p_{10} = 8 \text{ Па}, \quad p_{20} = 30 \text{ Па}$$




$Q_0 = 0,05 \text{т/соат}$, $p_{10} = 10 \text{Па}$, $p_{20} = 30 \text{Па}$



5-расм. Момиқ массаси оқимининг тезлиги ва босимининг тақсимланиши



6-расм. Мавжуд линтер батареясининг пневмотранспорт тизими



7-расм Таклиф этилган линтер батареясининг пневмотранспорт тизими

3-жадвал


Мавжуд ва таклиф этилган арра тишидан момикни ажратувчи мослама кўйилган линтер батареясида аэродинамик кўрсаткичлар

Ўлчов нуқтаси	Статик босим, мм.сுவ устуни	Ҳаво тезлиги м/с	Ҳаво сарфи м ² /с
1	230/-26	15,3/8,4	1,1/0,55
2	2/-26	6,6/8,5	1,6/0,8
3	-8/-26	6,2/8,6	2,1/1,1
4	-10/-26	12,1/8,6	3,1/1,5
5	-14/-26	12,2/8,6	4,2/2,1
6	-19/-26	12,0/8,6	6,3/3,1
7	-26/-36	12,6/18,3	8,4/4,2
8	-35/+55	12,6/18,3	8,4/4,2
9	-92	23,2	8,6
10	+90	23,2	8,6

Диссертациянинг “Такомиллашган момик ажратгич ишчи қисмлари рационал технологик кўрсаткичларини аниқлаш” деб номланган учинчи бобида таклиф этилаётган момик ажратгичда технологик жараён бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижалари келтирилган.

Такомиллашган линтер машинасидаги технологик жараён момик олиш фоизини оширишга имкон яратди. Бу момик ажратгич машинаси таъминловчи валик 1, тешикли тўр 2, тўзитгич 3, колосникли панжара 4, ҳаво йўналтиргич 5, аррали цилиндр 6, иккита кожух 7, момик узатиш қузури 8 дан таркиб топган. Бунда тешикли тўр 2 ва колосникли панжара 4 момик ажратиш машинасининг

ишчи камерасини ҳосил қилади. Ишлаб чиқилган линтер машинасида чигит юзасидаги момиқларни ажратиш технологик жараёни қуйидагича амалга оширилади: чигит момиқ ажратгич таъминлаш валиги 1 ёрдамида ишчи камерасига узатилади, бу ерда тўзитгич айланиши ва аррали цилиндр 6 арралари таъсири остида айланувчи чигитли валик ҳосил бўлади. Арралар чигитли валик массасига кириб, чигит юзасидан момиқларни қириб олади ва уларни колосникли панжара 4 ташқарисига чиқаради.



1-чигит таъминлагич, 2-тўрли сирт,
3-тузитқич, 4-колосникли панжара,
5-ҳаво йўналтирувчи тирқич,
6-аррали цилиндр, 7-кожух,
8-момиқ узатиш қувури.

8-расм. Тақомиллашган линтер

Арра тишларидан момиқлар соплó 5 орасидан сўриладиган ҳаво оқими ёрдамида ажратиб олинади. Ажратиб олинган момиқлар ҳаволи камеранинг чиқариб юбориладиган қисмига узатилади ва шундан кейин пневмотизим 8 орқали кейинги жараёнга узатилади. Чигитлар момиқ ажратилиши ва улар туксизланганлиги муносабати билан умумий айланувчи валикдан ажралиб тўрли юза тешикларидан ташқарига чиқарилади. Туксизлантирилган чигитлар чиқиш зонаси катталаштирилганлиги, тўрли юза тешиклари ўлчами нормал туксизлантирилган чигитлар ўлчамига мувофиқлиги ҳисобига, уларнинг ишчи камерадан ажралиб чиқиш интенсивлиги, бунинг натижасида линтернинг момиқ ажратиш ва чигит ўтказиш бўйича унумдорлиги ортади.


Момиғи ажратиладиган чигитлар ўлчамига мувофиқ равишда тешилган тўр юзанинг ишчи камеранинг пастки қисмига ўрнатилиши ва унинг юқорисида тўзитгич ва аррали цилиндрнинг кетма-кет жойлашиши ҳисобига, ишчи камерада хомашё валигининг ишончли айланиши таъминланади.

Тешикли тўрли юзанинг жонли кўндаланг кесими майдони мавжуд 5ЛП линтерларидаги тароқ ва ва колосник оралиғидаги тирқишнинг кўндаланг кесими майдонидан катта, бунинг ҳисобига момиғи ажратилган чигитларни ишчи камерадан чиқариб олиш сезиларли даражада ортади ва шунга мувофиқ равишда момиқ ажратиш машинасининг чигит ўтказиш ҳамда момиқ бўйича иш унумдорлиги ошади.

Колосникли панжара тўғри чизикли бажарилганлиги ҳисобига колосниклар тайёрлаш, йиғиш ва арраларга нисбатан колосниклар жойлашишини ростлаш соддалаштирилган, бу улардан фойдаланиш муддати ошишини ва момик ажратгич машинасининг ишончли ишлашини таъминлайди.

Аррала цилиндри вали. Чигитли валик оғирлиги цилиндрга босмаганлиги туфайли камроқ эгилади ва колосникларни ён юзаларини камроқ емиради. Бу колосникларни ишлаш муддатини узайтиради.

Такомиллашган момик ажратгичда арра юзасидан момикни ажратиш жараёнини ўрганиш учун ҳаво оқимини эгри чизик бўйлаб ҳаракати айлана қувур концентрик ёйида ҳосил бўлган модул сифатидаги ҳаракати кўриб чиқилди.



9-расм. Момикнинг аррала цилиндри тиши бўйлаб ҳаракати

Фараз қиламизки Q сарфи билан канал бўйича ҳаво сўрилади. Сиқилмайдиган ҳавонинг идеал сарфи қабул қилинган схемадаги ҳаво оқимининг ҳаракати қуйидагича:

$$Q = \rho_0 \cdot S \cdot v$$

бу ерда: ρ_0 -ҳавонинг зичлиги $\rho_0 \approx 1,1 \text{ кг/м}^3$.

S -кўрилаётган ҳолатда кўндаланг қирқим қуйидагига тенг бўлади:

$$S = h \cdot L$$

L -канал эни, h -канал баландлиги.

Шундай қилиб, ҳавонинг тезлиги қуйидаги формуладан ҳисобланади:

$$v = \frac{Q}{\rho_0 \cdot L \cdot h}$$

Тезликни аниқлашда ички каналда ҳавонинг ишқаланиши бўлмади деб тахмин қиламиз. Ҳавони сиқилмаслигини ҳисобга олган ҳолда ҳаво оқимининг ҳаракатланишига цилиндри айланишининг таъсирини кўриб чиқиш мумкин.

Арра тиши илиб олган момик ҳаракатини кўриб чиқамиз: Цилиндр юзасида тишлар ҳолатини маълум кўрсаткичлар билан аниқлаймиз: тишлар

жойлашуви B ёки B_1 , схемада $OB = R$, тиш баландлиги $BC = h_0$ ва тишнинг оғиш бурчаги OBC .

Момикқа оғирлик ва ишқаланиш кучи таъсир қилади. Оғирлик кучи босими таъсирида куч шартланади. Масофа $BA = r$ умумлаштирилган координата сифатида олиниб, момикни тиш бўйлаб ҳаракатини аниқлаш учун Лагранжнинг II-турдаги тенгламасидан фойдаланамиз. Айланиш вақти $t = 0$ бўлганда тишлар $r = r_0$ ҳолатда бўлсин, бунда горизонтал бўйича йўналтирилган OX ўқи бўйлаб радиус OB ётсин, OY ўқи унга перпендикуляр бўлсин. Аррали цилиндр маркази координаталар боши қилиб белгиланган.

Момикнинг арра тишидаги массасининг координатадаги жойлашувини қуйидагича ёзамиз:

$$\begin{aligned}x &= R \cos \omega t + r \cos(\alpha - \omega t) \\y &= R \sin \omega t + r \sin(\alpha - \omega t)\end{aligned}$$

М массадаги момикнинг кинетик энергияси қуйидагига тенг бўлади:

$$T = \frac{M}{2} (\dot{x}^2 + \dot{y}^2) = \frac{M}{r} (R^2 \omega^2 + r^2 + r^2 \omega^2 + 2R\omega\dot{r} \sin \alpha - 2R\omega^2 r \cos \alpha)$$

Лагранжнинг II турдаги тенгламасига асосан:

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{r}} \right) - \frac{\partial T}{\partial r} = Q_r$$

Қуйидагини оламиз

$$m\ddot{r} = m\omega^2 (r - R \cos \alpha) + Q_r$$

бу ерда: Q_r – умумлаштирилган куч қуйидаги формула билан топилади:

$$Q_r = \sum X_i \frac{\partial x}{\partial r} + \sum Y_i \frac{\partial y}{\partial r}$$

X_i, Y_i – OX ва OY ўқлардаги ташқи кучлар проекцияси қуйидагига тенг:

$Y_i = mg \sin(\alpha - \omega t)$, $X_i = 0$, момикнинг оғирликдаги ишқаланиш кучи

$$F_{TP} = -fmg \cos(\alpha - \omega t) + fF_{кор}$$

Кориолис кучидаги ишқаланиш кучи

$$F_{кор} = -2\omega r m \cos \alpha$$

p босимдаги ҳавонинг сўриш кучи

$$P = S \cdot p \sin \lambda$$

S -момикни тиш билан боғланиш юзаси

$$\lambda = \arcsin \frac{R \sin \alpha}{\sqrt{R^2 + h_0^2 - 2Rh_0 \cos \alpha}}$$

Буларни ҳисобга олган ҳолда момикни тиш билан умумий боғланиш кучи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Q_r = -mg \sin(\alpha - \omega t) + fmg \cos(\alpha - \omega t) + 2mfr\omega \cos \alpha + P \sin \lambda \quad \left(\frac{\pi}{2} < \alpha < \pi \right) \quad (4)$$

Момикни цилиндр тиши бўйлаб ҳаракат тенгламаси қуйидаги кўринишга келади:

$$\ddot{r} - \omega^2 r + 2f \dot{r} \omega \cos \alpha = -\omega^2 R \cos \alpha - g[\sin(\alpha - \omega t) - f \cos(\alpha - \omega t)] + \bar{P} \sin \lambda \quad (5)$$

Бунда: $\bar{P} = P/m$. $t=0$ бўлганда $r = r_0$ $\dot{r} = 0$ деб олиб, момикни тиш бўйлаб ҳаракатини бошланғич шартини топамиз. $\ddot{r}(0) > 0$ шарт бажарилиб, қуйидагини бериши лозим:

$$\omega^2 r_0 - \omega^2 R \cos \alpha - g(\sin \alpha - f \cos \alpha) + \bar{P} \sin \lambda > 0 \quad (6)$$

Бундан момикни тиш бўйлаб ҳаракатини $t=0$ бўлган шартини бажарадиган α бурчакни танлаш мумкин. Момикни озгина массасида $\bar{P} \gg 1$ ни тахмин қиламиз ва момикни $t=0$ даги ҳаракат шарти $\sin \lambda > 0$ тенгсизлигига мос келади, бунда $0 < \lambda < \pi$ шарти бажарилади. $h_0 \ll R$ да $\lambda \approx \alpha$ ни тахмин қилиш мумкин. Шунда (4) тенгламани $\alpha = \pi - \bar{\alpha}$ деб тахмин қилиб, қуйидагини оламиз:

$$\begin{aligned} \omega^2 r_0 + \omega^2 R \cos \bar{\alpha} - g(\sin \bar{\alpha} + f \cos \bar{\alpha}) - \bar{P} \sin \bar{\alpha} > 0 \\ \omega^2 r_0 + (\omega^2 R + fg) \cos \bar{\alpha} + (\omega^2 R - \bar{P}) \sin \alpha > 0 \end{aligned}$$

Қуйидаги белгилаш киритамиз.

$$\begin{aligned} \cos \beta &= \frac{\bar{P} - g}{\sqrt{(\bar{P} - g)^2 + (\omega^2 R + fg)^2}} \\ q &= \frac{\omega^2 r_0}{\sqrt{(\bar{P} - g)^2 + (\omega^2 R - fg)^2}} \end{aligned}$$

$r_0 < R$ да қуйидаги α га нисбатан тенгламани оламиз:

$$\sin \bar{\alpha} \cos \beta - \cos \bar{\alpha} \sin \beta < q$$

Ушбу тенгликдан: $\bar{\alpha} < \beta + \arcsin q$ ёки:

$$\bar{\alpha} < \bar{\alpha}_0 = \arccos \frac{\bar{P} - g}{\sqrt{(\bar{P} - g)^2 + (\omega^2 R - fg)^2}} + \arcsin \frac{\omega^2 r_0}{\sqrt{(\bar{P} - g)^2 + (\omega^2 R - fg)^2}}$$

$\alpha = \pi - \bar{\alpha}$ боғлиқликни инобатга олиб, $\alpha > \alpha_0 = \pi - \bar{\alpha}_0$.


10-расмда α_0 ни $\bar{P} = P/mg$ нисбатан R (м) радиусни икки хил кўрсаткичи учун $R = 0.1\text{м}$ $R = 0.2\text{м}$ бурчак тезлигининг $\omega(c^{-1})$ ҳар хил кўрсаткичларида $f = 0.3$ $r_0 = 0.001\text{м}$ ни инобатга олиб ҳисоблаганда қабул қилинган боғланиш келтирилган. Бу боғлиқдан такомиллашган момик ажратгич аррали цилиндр тезлик кўрсаткичларини ва арра тиши бурчагини ҳамда момикни олиб кетиш қузури ўлчамларининг рационал қийматларини танлаб олиш мумкин.

Графикдан ҳавонинг сўриш кўрсаткичи ошган сари R нинг кичик қийматларида тезкор ошишга ва унинг қисқа қийматларида ўзгармасга

яқинлашиши кузатилган. Радиус R ошганда α нинг ўсиш интенсивлиги камайиб боради.

$R = 0.1\text{м}$

$R = 0.2\text{м}$



10-расм. Арра радиуси $R(\text{м})$ ва $\omega(\text{с}^{-1})$ бурчак тезлигининг ҳар хил кўрсаткичларида: 1 – $\omega = 10$, 2 – $\omega = 20$, 3 – $\omega = 30$, α_0 (радиан) бурчагининг $\bar{P} = P/mg$ муносабат билан боғлиқлиги

Такомиллашган момиқ ажратични технологик кўрсаткичларни аниқлаш учун ТТЕСИ илмий изланишлар лабораториясида таклиф қилинган линтер машинасининг лаборатория нусхаси яратилди (11-расм). Бу лаборатория ускунаси ишчи қисми узунлиги 156 мм. қилиб олинди. 5ЛП линтери ишчи қисм узунлиги 1560 мм.ни ташкил этади. Лаборатория нусхасида олинган кўрсаткичларни мавжуд линтер кўрсаткичлари билан ўзаро пропорцияларда ҳисобланиб таклиф этилган линтернинг чигит ўтқазуш бўйича ва момиқ ажратиш бўйича унумдорлиги қиёсий аниқланиши мумкин.

Лаборатория ускунасида чигит валиги ҳосил қилувчи ишчи камера диаметрининг, момиғи олинган чигитлар тушиши учун мўлжалланган ғалвирли юза ўлчамнинг ва арралар орасидаги масофа ўзгаришининг линтернинг чигит ўтқазуш, момиқ ажратиш бўйича унумдорлигига ҳамда чигитнинг механик шикастланишига таъсири ўрганилди. Тажрибалар тўлиқ омилли экспериментлар ўтқазуш режаси бўйича олиб борилди.

Натижада қўйидаги регрессия тенгламалари олинди:

$$Y_ч = 550,8 + 29,1 * X_1 + 92,9 * X_2 - 12,6 * X_3 - 29,4 * X_1 * X_2 - 4,13 * X_1 * X_3 + 3,8 * X_2 * X_3 - 5,7 * X_1 * X_2 * X_3$$

$$Y_м = 43,5 + 4,3 * X_2 - 6,6 * X_3 + 2,3 * X_2 * X_3$$

$$Y_{ш} = 4,6 + 0,2 * X_1 - 0,3 * X_2 + 0,3 * X_3 - 0,1 * X_1 * X_3$$

Кирувчи факторлар: X_1 – ишчи камера диаметри, мм; X_2 – тўрли юза тешик ўлчами, мм²; X_3 – арралар орасидаги масофа, мм.



11-расм. Линтер машинасининг лаборатория нусхаси

Регрессия тенгламалари таҳлили ишчи камера диаметри – 140 мм; тўрли юзадаги тешик диаметри 8 мм; арралар орасидаги масофа 8 мм бўлганда такомиллашган линтернинг чигит ўтказиш ва момиқ ажратиш бўйича унумдорлиги энг самарали бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг **“Такомиллашган момиқ ажратиш ускунасини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилишининг иқтисодий самараси”** деб номланган тўртинчи бобида сўриш жараёнига асосланган ҳаволи ажратиш мосламаси ва такомиллашган линтер ускунасининг ишлаб чиқаришга жорий этишда олинадиган йиллик иқтисодий самарадорлиги ҳисобланди.

Тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинганда электроэнергия сарфи камайиши ҳамда чигит ва момиқ олиш иш унумдорлиги мутадиллаши натижасида бир йилда 292494,1 минг сўм иқтисодий самарага эришилди.

ХУЛОСА

“Пахта чигитидан момиқ ажратиш жараёни янги технологиясини назарий ва амалий тадқиқ қилиш” мавзуси бўйича олиб борилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Пахта чигитидан момиқ ажратиш жараёни таҳлили линтерларнинг чигит ўтказиш ва момиқ ажратиш бўйича иш унумдорлиги пастиги натижасида энергия сарфи юқорилиги ва эҳтиёт қисмлар сарфи юқорилигини юзага келтиради. Бу ўз навбатида иш унумдорлиги юқори, ресурстежамкор толаси ажратилган чигитдан момиқ ажратиш технологиясини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

2. Момиқ ажратиш техника ва технологияларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили мавжуд линтернинг кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлиги аниқланди.

3. Электро-энергия ва ҳаво сарфини 2 мартагача камайтирадиган, момиқни арра тишларидан сўриб олишга мўлжалланган такомиллашган момиқни арра тишидан ажратиш мосламаси яратилди.

4. Аррали цилиндр ва арра тишларининг жойлашиш бурчагини рационал кўрсаткичларини аниқлайдиган аналитик боғланишлар, ҳамда такомиллашган линтернинг пневмотизим ўлчамлари аниқланган. Назарий изланишлар асосида аррали цилиндр айланишини арра тишларидан илиб олинган момиқнинг ҳаракати ва ҳаво сўриш тартиби аниқ ҳаво сарфи билан ҳаво оқимиға таъсир даражаси аниқланган.

5. Линтернинг чигит бўйича иш унуми, момиқ ўтказиш қобилияти (хусусияти) ва чигитнинг механик шикастланиши бўйича математик режалаштиришнинг тўлиқ факторли эксперименти асосида регрессия тенгламалари олинган. Қуйидаги параметрларнинг рационал кўрсаткичлари асосида момиқ ажратиш самарали амалга оширилади: Ишчи камераси диаметри-140 мм; тўрли юзадаги тирқиш диметри-8 мм; арралар ораси-8-мм.

6. Лаборатория шароитида такомиллашган линтернинг технологик жараёни ўрганилди ва ҳисоблаш асосида усқунанинг чигит ўтказиш ва момиқ ажратиш бўйича қиёсий иш унумдорлиги аниқланди.

7. Электро-энергияни камайтириш, чигит сифатини, момиқ ўтказиш қобилиятини, чигит бўйича линтернинг иш унумдорлигини ошириш ҳисобига изланишлар натижасини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш асосида бир йилига 292494,1 минг сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ОЧИЛОВ МАХСУДЖОН МУРАДУЛЛАЕВИЧ

**ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ
НОВОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПРОЦЕССА ОТДЕЛЕНИЯ ЛИНТА ИЗ
ХЛОПКОВЫХ СЕМЯН**

05.06.02-Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/T573.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.titli.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Хакимов Шеркул Шерғозиевич**
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Маматов Алишер Зулунович**
доктор технических наук, профессор

Сулаймонов Рустам Шенникович
доктор технических наук

Ведущая организация: **Джиззакский политехнический институт**

Защита диссертации состоится « 5 » март 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г.Ташкент, ул.Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17, e-mail: titl_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована № 67). (Адрес 100100, г.Ташкент, ул.Шохжахон-5, тел. (+99871)-253-06-06, 253-08-08

Автореферат диссертации разослан « 21 » февраль 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 66 от « 20 » февраль 2020 года).



Б.Онорбоев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н.

А.Гуламов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н.

Ф.Нигматова

Заместитель председателя Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике текстильной, химической и целлюлозно-бумажной промышленности хлопковый линт является важным сырьем для производства различных продуктов. По информации международных производителей хлопка, Узбекистан является крупнейшим экспортером хлопкового линта в сезоне 2017/2018, а Бангладеш и Китай являются импортерами. Устойчивое развитие хлопковой отрасли, внедрение энергосберегающего современного оборудования в отрасли, увеличение количества хлопкового волокна, изделий из линта и делинта, являются актуальными на мировом хлопковом рынке. В связи с этим особое внимание уделяется совершенствованию высокопроизводительных машин по переработке хлопка и созданию ресурсосберегающих технологий в мировой хлопковой промышленности.

Обретает особое значение в мире проведение широкомасштабных научно-исследовательских работ по совершенствованию техники и технологии первичной обработки хлопка и их научных основ. В частности, особое значение имеет разработка эффективной технологии первичной обработки хлопка машинного сбора, переработка семян после отделения волокна с семян, а также определение оптимизации параметров рабочих узлов устройства для отделения лина с семян.

В нашей республике осуществляются комплексные мероприятия по внедрению современных форм организации хлопко-текстильного производства, формированию рыночных отношений между производством хлопка и его перерабатывающими хлопкозаводами и предприятиями текстильной промышленности, повышению их рентабельности и конкурентоспособности выпускаемой продукции. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий»². Одной из ключевых задач является разработка эффективной технологии оголения семян после дженирования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановление Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «Об интенсификации физического обновления и износа оборудования промышленных предприятий, а также дополнительных мерах по снижению себестоимости продукции и других нормативно - правовых актов» от 22 декабря 2016 года, Постановление Кабинета Министров Узбекистан «О мерах по внедрению современных форм организации хлопково-текстильного

²[Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан».](#)

